

**СОЛИҚ ЁКИ ЙИҒИМЛАР ТЎЛАШДАН БЎЙИН ТОВЛАШ
БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР КРИМИНАЛИСТИК
ТАВСИФИНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ**

Марданов Жасурбек Ҳусниддин Ўғли
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза
қилиш академияси мустақил изланувчиси

Ушбу тушунчанинг пайдо бўлиши, унинг фаол ривожланиши, кейинчаликдаги инқирози ва кейинги реабилитациясини¹ кўрсатувчи “жиноятларнинг криминалистик тавсифи” атамасининг генезиси унинг криминалистик категория даражасида ҳам, хусусий криминалистик методикалар тузилишида ҳам долзарблигини тасдиқлади. Ўз вақтида Р. С Белкин² ва ушбу йўналишнинг бошқа баъзи тарафдорлари ишлари циклида бошланган ушбу тушунчани ўрганишдаги инқироз, тадқиқотчиларга ушбу илмий категориянинг криминалистик илмий билимларни ривожлантиришдаги ролини объектив ва синчковлик билан тушунишга³, шунингдек, билдирилган танқидий ҳукмларни ҳисобга олган ҳолда жиноятлар криминалистик тавсифининг мазмунини тизимлаштиришга имкон берди⁴.

¹Фирсов Е.П. Типовая структура методик расследования отдельных видов преступлений // Вестник криминалистики. Вып. 1 (5). 2003. - с. 30 -34.

² Белкин Р.С. Криминалистика: проблемы сегодняшнего дня. Злободневные вопросы российской криминалистики. М.: НОРМА, 2001.

³ Лубин А.Ф., Криминалистическая характеристика преступной деятельности в сфере экономики: понятие, формирование, использование, Н.Новгород. 1991. С.19.

⁴ Ищенко Е.П. Как наполнить фантом криминалистической характеристики преступлений реальным содержанием // Информационный бюллетень № 17 по материалам Криминалистических чтений «Научная состоятельность криминалистической характеристики преступлений» // М.: Академия управления МВД

Шундай қилиб, ўйлаймизки, замонавий шароитда “жиноятларнинг криминалистик тавсифи” категорияси узоқ илмий мунозаралар жараёнида ўзининг илмий ва амалий аҳамиятини исботлаб, хусусий криминалистик методиканинг ажралмас элементларидан бири сифатидаги мақомига эга бўлди.⁵ Бундан ташқари, криминология бўйича бир қатор илмий манбаларда айнан шу элемент анъанавий равишда тегишли хусусий криминалистик методикани тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқишдан олдин келади⁶.

Бироқ, барча тадқиқотчилар ҳам бир овоздан жиноятларнинг криминалистик тавсифи маълум бир жиноятлар гуруҳини тергов қилишнинг хусусий криминалистик методикаси структурасидаги биринчи элемент эканлигини тан олмайдилар. Мисол учун, А. Ю. Быстровнинг сўзларига кўра, чет эл фуқаролари меҳнатидан фойдаланган ҳолда тижорат ташкилотлари томонидан солиқ тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишнинг хусусий криминалистик методиканинг структурасига биринчи навбатда исботланадиган ҳолатлар, сўнгра жиноят механизми, шундан сўнг терговнинг дастлабки, кейинги ва якуний босқичлари киради⁷.

Кўришиб турибдики, бу ҳолатда муаллиф элементларнинг структурасида исботланадиган ҳолатларга устунлик беришдан ташқари,

России, 2000. - с. 8 - 14; Шаталов А. Сущность и содержание криминалистической характеристики преступлений // Следователь. 1999. № 1. - с. 19-24.

⁵ Яблоков Н.П. Криминалистическая характеристика преступлений — важный элемент криминалистической теории и практики // Актуальные проблемы криминалистики на современном этапе. Материалы всероссийской научно-практической конференции. Краснодар, 2002. - с. 26; Шмонин А.В. Криминалистическая характеристика как составная часть частных криминалистических методик // Роль и значение деятельности Р.С. Белкина в становлении современной криминалистики: Материалы Междунар. науч. конф. (к 80-летию со дня рождения Р.С. Белкина). М., 2002. - с. 190 -195.

⁶ Белкин Р.С. Курс советской криминалистики. Т. 3. М., 1979. - с. 202 -203.

⁷ Быстрое А.Ю. Методика расследования преступлений, связанных с уклонением от уплаты налогов коммерческими организациями, использующими труд иностранных граждан. Автореферат дис. ... канд. юрид. наук. Владивосток, 2006. - с. 7.

криминалистик тавсифдан кўра жиноят механизми атамасидан фойдаланишни ҳам афзал кўрган. “Жиноятларнинг криминалистик тавсифи” ва “жиноят механизми” атамаларининг ўзаро боғлиқлиги муаммоси назарий - услубий характерга эга бўлиб, бир қатор ишларда алоҳида кўриб чиқилган⁸. Ушбу тушунчаларни айнан ўхшаш ва (ёки) уларни бир-бирининг ўрнини босадиган деб ҳисоблайдиган нуқтаи назарлар мавжуд, бошқа муаллифлар уларни турли тартибдаги, турли даражадаги тушунчалар деб ҳисоблашади⁹.

Диссертация тадқиқотимиз вазифалари доирасидан ташқарида бўлганлиги учун ушбу мунозарага чуқур кирмасдан, биз А. Ю. Головиннинг жиноятчилик механизми илмий тадқиқот объекти бўлиши мумкинлиги ҳақидаги нуқтаи назари билан бирдамликни билдирамиз. Бироқ, ушбу тадқиқот натижаси айнан жиноятларнинг криминалистик тавсифини шакллантиришдир¹⁰. Зеро, жиноят механизми қонуниятлари криминалистика предметининг мазмунига киради. Жиноятнинг криминалистик тавсифи криминалистика томонидан ушбу қонуниятларни турли даражада англаш натижасида олинган маълумотларни қамраб олади ва бунда жиноятнинг криминалистик тавсифи тўғрисидаги таълимотнинг умумий илмий аҳамияти ҳақли равишда намоён бўлади¹¹.

⁸ Коновалов С.И. Историко-логический анализ развития понятий криминалистической характеристики и механизма преступления // Известия Тульского государственного университета. Вып. 4. Тула: Тульский государственный университет, 2001; Коновалов С.И. Теоретико-методологические проблемы криминалистики. Монография. Ростов-на-Дону, РЮИ МВД РФ, 2001; Головин А.Ю. Криминалистическая систематика. М., 2002.

⁹ Кустов А.М. Криминалистическое учение о механизме преступления. Автореферат дис. ... докт. юрид. наук. М., 1997; Зорин Г.А. Теоретические основы криминалистики. Мн., 2000. - с. 29; Кирсанов З.И. Криминалистическое учение о механизме преступления. М., 1994. - с. 334; Белкин Р.С. Курс криминалистики в 3-х т. Т. 1. М., 1997. - с. 118; Лубин А.Ф. Механизм преступной деятельности. Н. Новгород, 1997.

¹⁰ Головин А.Ю. Криминалистическая систематика. М., 2002. - с. 120.

¹¹ Головин А.Ю. Криминалистическая систематика. М., 2002. - с. 120.

Баъзи муаллифлар криминалистик тавсифнинг аҳамиятини камайтирмаган ҳолда, хусусий криминалистик методиканинг биринчи элементи дея жиноят ишида исботланиши (ўрнатилиши) лозим бўлган ҳолатларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисоблашади¹².

Бошқа тадқиқотчилар криминалистик методикасининг ушбу элементларини - яъни криминалистик тавсиф ва исботланиши (ўрнатилиши) лозим бўлган ҳолатларни бир-бирининг ўрнини босувчи деб ҳисоблашади, чунки бу элементларнинг структураси, уларнинг фикрига кўра, агар бир хил бўлмаса, унда жуда ҳам ўхшашдир¹³.

Биз қуйидаги сабабларга кўра бу фикрларга қўшила олмаймиз.

Жиноий ҳодисанинг ахборот модели сифатида ва хос криминалистик аҳамиятга эга ўзаро боғлиқ бўлган белгиларни акс эттирган ҳолда криминалистик тавсиф тегишли тоифадаги жиноят ишида исботланиши (ўрнатилиши) лозим бўлган ҳолатлар рўйхатини шакллантиришни белгилаб беради, ишлаб чиқиладиган умумий ва хусусий тергов версияларини, дастлабки ва кейинги тергов вазиятларини тизимлаштиришга имкон беради. Муайян тоифадаги жиноятларни содир этишнинг криминалистик аҳамиятга эга қонуниятларини билиш ва ҳисобга олиш алоҳида, шу жумладан ўрганиладиган жиноятлар тоифаси бўйича тергов ҳаракатларининг

¹² Бурданова В.С. Обстоятельства, подлежащие доказыванию по уголовному делу, как важный элемент частных криминалистических методик // Вестник криминалистики. Вып. 2., 2001. - с. 38 - 42; Фирсов Е.Л. Типовая структура методик расследования отдельных видов преступлений // Вестник криминалистики. Вып. 1 (5). 2003. - с. 30-34.

¹³ Белкин Р.С. Криминалистика: проблемы, тенденции, перспективы. От теории к практике. М.. 1988 г., С.191.

самарадорлигини оширишга қаратилган асосли тавсияларни ишлаб чиқишнинг зарур шarti ҳисобланади¹⁴.

В. С. Бурданова ушбу тушунчаларнинг алмаштирилиши сабабини аниқлашга ҳаракат қилди ва хулосага келдики, жиноят-процессуал қонунида кўрсатилган ҳолатлар ва криминалистик тавсиф элементларининг номлари бир хил жаранглайди, аммо ташқи ўхшашлигига қарамай, уларнинг мазмуни, албатта, бошқача¹⁵. Дарҳақиқат, таъриф бўйича ҳолатлар исботланиши лозим ва бу қонуннинг мажбурий талабидир. Криминалистик тавсиф элементлари тергов вақтида аллақачон маълум бўлади, чунки бу олимлар тадқиқот фаолиятининг самарасидир.

Криминалистика фанида жиноятларнинг криминалистик тавсифи элементар таркибини тушуниш ҳеч қачон бир хил бўлмаган, бу жиноятларнинг криминалистик тавсифининг мунозарали табиати ва жиноятларнинг маълум бир тоифасини содир этиш механизмининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ.

Бир қатор муаллифларнинг нуқтаи назарини таҳлил қилиб, Р.С. Белкин жиноятларнинг криминалистик тавсифи қуйидаги элементларни назарда тутиши керак деган хулосага келган: дастлабки маълумотларининг тавсифи, жиноятларни содир этиш ва яшириш усули ва уни қўллашнинг типик оқибатлари, эҳтимолий жиноятчи шахси, жиноятнинг эҳтимолий мотивлари ва мақсадлари, жиноят эҳтимолий қурбонининг шахси (жиноий тажовуз

¹⁴ Курс криминалистики. В 3-х томах / Под ред. ОН. Коршуновой и АЛ. Степанова, СПб.: Юрцентр Пресс. Т2.2005г. -С.80.

¹⁵ Бурданова В.С. Обстоятельства, подлежащие доказыванию по уголовному делу, в структуре частной криминалистической методики // Труды Санкт-Петербургского Института Генеральной Прокуратуры РФ. 2000, №2.- С.64.

предмети), содир этилган жиноятнинг айрим ҳолатлари (жой, вақт, шароит) тўғрисидаги маълумотлар тизими¹⁶.

Ушбу структура жуда кенг тарқалган бўлса-да, шунга қарамай, у илмий адабиётларда барча томонидан тан олинган ҳисобланмайди. Бизнинг фикримизча, у бир қатор эътирозларга сабаб бўлади. Назаримизда, жиноятларнинг криминалистик тавсифига дастлабки ахборот ҳақидаги маълумотларни киритиш мақсадга мувофиқ эмас¹⁷. Бизнинг фикримизча, дастлабки ахборот тўғрисидаги маълумотлар хусусий криминалистик методиканинг қуйидаги элементлари таркибига кўпроқ тушади, хусусан, жиноятларнинг маълум бир тоифаси бўйича терговга қадар текширув ўтказиш ва жиноят ишини қўзғатиш хусусиятлари ва (ёки) дастлабки тергов вазиятлари ёхуд терговни ташкил этиш хусусиятлари.

Жиноят содир этиш ва яширишнинг маълум бир усулини қўллашнинг типик оқибатлари, бошқача қилиб айтганда, айбдорлар томонидан қолдириладиган изларнинг хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни, ўйлаймизки, жиноят содир этиш усулининг таркибий қисми сифатида эмас, балки жиноятлар криминалистик тавсифининг мустақил элементи сифатида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, ҳисоблаймизки, мазкур ҳолатда “жиноятнинг типик излари” тушунчаси тор трасологик маънода, яъни акс эттирувчи излар маъносида эмас, балки моддий вазиятдаги ҳар қандай ўзгаришлар тарзида кенг маънода ишлатилиши керак.

¹⁶ Белкин Р.С. Курс криминалистики. М., 1997. - с. 321.

¹⁷ Schneider, F., & Enste, D. H. (2013). The Shadow Economy: Theoretical Approaches, Empirical Studies, and Political Implications (2nd ed.). Cambridge, UK: Cambridge University Press.

Иккинчидан, “жиноят излари” тушунчаси кенг маънода нафақат жиноятчилар томонидан амалга оширилган жиноятларни содир этиш ва (ёки) яширишнинг у ёки бу усулига, балки тегишли тоифадаги жиноятларнинг бошқа типик криминалистик аҳамиятга эга хусусиятларига ҳам боғлиқдир. Хусусан, излар типик жиноят жойининг айрим ҳудудларида, жиноий қасд амалга оширилишининг маълум бир вақтида, шунингдек, ушбу қилмишни содир этишга кўмаклашувчи бошқа шартларни ҳисобга олган ҳолда жйолашади. Қолдириладиган изларнинг тавсифи кўп жиҳатдан айбдор шахсининг касбий ва психологик сифатларининг жамига боғлиқ. Жиноятнинг типик излари ва жиноий тажовуз предмети ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуддир.

Фикримизча, эҳтимолий жиноятчининг шахси, жиноятнинг эҳтимолий мотивлари ва мақсадлари криминалистик тавсифнинг ягона элементи доирасида кўриб чиқилиши керак. Ушбу позицияни криминалистика бўйича услубий характердаги бир қатор илмий ишларда кузатиш мумкин¹⁸. Шу билан бирга, айбдорларнинг мотивлари жиноятлар криминалистик тавсифининг мустақил элементи сифатида қараладиган ишлар ҳам кам эмас.

Бизнингча, биринчи позиция тўғрироқ, чунки жиноятнинг эҳтимолий мотивлари ва мақсадлари, биринчи навбатда, жиноятчи шахсининг психологик хусусиятлари билан олдиндан белгиланади¹⁹. Албатта, жиноятнинг мотиви ва мақсади жиноятларнинг криминалистик тавсифининг

¹⁸ Коновалов СИ. Теоретико-методологические проблемы криминалистики. Монография. Ростов-на-Дону, 2001. - С.86.

¹⁹ Gërxhani, K., & Schram, A. (2006). Tax Evasion and Income Source: A Comparative Experimental Study. Journal of Economic Psychology, 27(3), 402—422.

бошқа элементлари билан ҳам ўзаро боғлиқдир, аммо бу муносабатлар типик жиноятчининг шахси тавсифига нисбатан билвоситадир.

Жиноят эҳтимолий қурбонининг шахси хусусиятларига келсак, криминалистик тавсиф ушбу элементининг кенг доирадаги жиноятлар: ҳаёт ва соғлиққа, шаъни ва қадр-қимматга қарши зўрлик жиноятлари, мулкка қарши жиноятлар ва бошқалар учун аҳамиятини тан олган ҳолда шуни таъкидлаймизки, солиқ тўловчилар жиноий қасди йўналганлигининг ўзига хос хусусиятлари туфайли жабрланувчи бўлиб ўзининг вакиллари – солиқ органларининг мансабдор шахслари сиймосида давлат ҳисобланади.

Ушбу ҳолатда жабрланувчининг шахсини бундай сифатида персонификациялаш мумкин эмас, шунинг учун таҳлил қилинаётган жиноятлар тоифасининг криминалистик тавсифига нисбатан бу элемент бўлмайди. Бироқ, аниқ тўланмаган солиқлар ва (ёки) йиғимлар, шунингдек солиқ солинадиган база, мулк кўринишидаги жиноий тажовуз предмети тўғрисидаги маълумотлар кўриб чиқиладиган қилмишнинг криминалистик тавсифи структурасига жуда мос тушади²⁰.

Содир этилган жиноятнинг айрим ҳолатлари (жой, вақт, шароит) ҳақидаги нуқтаи назаримизни билдириб ўтамыз. Содир этилган жиноятнинг ҳолати, жойи, вақти, шароити каби тушунчаларнинг ўзаро нисбати махсус адабиётларда бирдек талқин қилинмайди. Баъзи муаллифлар “содир этилган жиноят ҳолатлари” тушунчасининг мазмунига жой, вақт ва шароит тўғрисидаги маълумотларни киритадилар. Бошқалар жой ва вақт тўғрисидаги

²⁰ Васкевич К. Правовое регулирование ответственности за нарушения налогового законодательства в ФРГ // Государственная служба. 2015. № 2.

маълумотларни, шунингдек жиноят содир этиш ҳолати тўғрисидаги маълумотларни жиноятлар криминалистик тавсифининг алоҳида элементлари сифатида кўриб чиқади²¹. Айримлар эса, “жиноят содир этиш шароити” тушунчаси содир этилган жиноятнинг жойи, вақти ва бошқа ҳолатлари тўғрисида маълумотни назарда тутди, деб ҳисоблашади²².

Ҳар бир позиция тарафдорларининг ўз фикрига бўлган ҳуқуқини тан олган ҳолда, талқиндаги бу ўзига хосликлар асосан турли муаллифларнинг индивидуал филологик афзал кўришлари билан боғлиқ деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга, ушбу масала бўйича криминалистик илмий адабиётларидаги бир хил эмасликни ҳисобга олган ҳолда, биз учинчи нуқтаи назар вакиллари кўпроқ маъқул келишлигини таъкидлаймиз.²³ Нима бўлганда ҳам, биз “жиноят содир этиш шароити” тушунчаси жой ва вақт ҳақидаги маълумотларни, шунингдек, жиноят содир этишга сабаб бўладиган бошқа ҳолатларни қамраб олишида эиддиятни кўрмаяпмиз.

Илгарироқ махсус адабиётларда келтирилган ташкилотлардан олинадиган солиқларни тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ жиноятлар криминалистик тавсифининг структураси бўйича тадқиқотчиларнинг нуқтаи назарларини таҳлил қиламиз. Бироқ, аввало, криминалистик илмий адабиётларда шакллантирилган солиқ жиноятларига хос бўлган криминалистик хусусиятларига эътибор қаратамиз:

²¹ Аверьянова Т.В., Белкин Р.С., Корухов Ю.Г., Российская Е.Р. Криминалистика: Учебник для вузов. М.: НОРМА, 2001. - С. 689.

²² Коновалов С.И. Теоретико-методологические проблемы криминалистики. Монография. Ростов-на-Дону, 2001. - С.86

²³ Torgler, B., & Schneider, F. (2009). The Impact of Tax Morale and Institutional Quality on the Shadow Economy. Journal of Economic Psychology, 30(2), 228-245.

- солиқ жиноятлари учун жавобгарликни назарда тутувчи нормаларнинг жиноий-ҳукукий тузилиши; жиноят субъектларига қўйиладиган махсус талаблар, ҳукукий қоидалар, мажбуриятлар, солиқ тўловчилар сифатида уларнинг фаолият турлари ва шакллари;

- солиқ жинояти изларини рўйхатга олиш органларида, солиқ органларида, «молия муассасаларида»ги мавжуд ҳужжатларда акс эттириш мажбурияти;

- жиноий тажовуз предметининг ўзига хослиги;

- солиқ тўлашдан бўйин товлаш усуллариининг хилма-хиллиги ва ўзига хослиги;

- бошқа иқтисодий жиноятлар билан барқарор алоқа;

- юқори латентлик²⁴.

Солиқ солиш соҳасидаги жиноятларнинг криминалистик тавсифини ишлаб чиқишда О. В. Челышева ва М. В. Фесковлар унинг структурасида қуйидаги элементларни назарда тутганлар: жиноий тажовуз предмети, жиноят содир этиш усуллари ва изларнинг шаклланиш механизми, жиноятнинг типик субъектлари. Бироқ, шу билан бирга, солиқ жиноятларининг криминалистик тавсифи элементларининг структураси ва мазмунига, бизнингча, қуйидагилар нотўғри киритилган: тергов давомида исботланиши керак бўлган ҳолатлар, солиқ жиноятларини топиш ва аниқлаш усуллари²⁵.

²⁴ Александров И.В. Теоретические и практические проблемы расследования налоговых преступлений. Автореферат дис. ... докт. юрид. наук. Екатеринбург, 2003. - С. 19.

²⁵ Челышева О.Б., Фесков М.Б. Расследование налоговых преступлений. СПб.: Питер, 2001, - С. 11-62.

Фикримизча, охирги икки элемент жиноятларнинг криминалистик тавсифи таркибига кirmaйди, балки ушбу криминалистик методиканинг мустақил элементлари бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, уларнинг криминалистик тавсифи структурасига киритилиши нафақат кўрсатилган илмий категорияни ортиқча юклайди, балки унинг жамланганда жиноятчиликнинг тегишли соҳасидаги жиноий фаолият қонуниятларини акс эттирувчи ҳақиқий элементлари тизимли бирлигини бузади. Ўз навбатида, бу бир томондан, жиноий фаолият қонуниятларини (хусусий криминалистик методикада улар криминалистик тавсифда акс эттирилади), бошқа томондан ташкил этиш ва жиноятларни тергов қилиш фаолияти қонуниятларини (криминалистик методиканинг кейинги элементларида акс эттирилган) ўз ичига олувчи криминалистика предметининг диалектик характериға зиддир.

З.Р. Бебия илмий категория ва хусусий криминалистик методиканинг элементи сифатида криминалистик тавсифнинг структураси ва мазмуни тўғрисидаги Г. А. Густовнинг позициясини бошланғич нуқта сифатида тан олиб²⁶, “ташкилотдан олинadиган солиқ тўлашдан бўйин товлаш” жинояти тизимининг криминалистик жиҳатдан аҳамиятли элементлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади деган хулосаға келган:

- жиноий тажовуз жойи - солиқ мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаган солиқ тўловчи ташкилотдир;
- жиноий тажовуз предмети - ташкилот солиқ мажбуриятининг мазмуни;

²⁶ Густов Г А К определению криминалистического понятия преступления // Труды Санкт-Петербургского юридического института Генеральной прокуратуры. 2000. № 2.- С. 79 – 80.

- тажовуз субъекти;
- тажовуз субъектининг рухий фаолияти;
- тажовуз субъектининг жисмоний фаолияти;
- тажовуз вақти;
- тажовузнинг факт-оқибатлари;
- тажовузнинг ижтимоий хавфлилиги ва ҳуқуққа хилофлиги²⁷.

Солиқ ва (ёки) тўловларни тўлашдан бўйин товлаш криминалистик тавсифининг ушбу структураси бир қатор эътирозларни келтириб чиқаради. Биринчи навбатда, тажовузнинг ижтимоий хавфлилиги ва ҳуқуққа хилофлиги каби элемент жиноятларнинг криминалистик тавсифи учун шубҳали ҳисобланади. Ушбу билим соҳаси соф жиноий-ҳуқуқий ёки криминологик бўлиб, у ушбу жиноятларни содир этишнинг бевосита қонуниятлари билан минимал даражада боғланган ва шунинг учун ушбу жиноятларнинг криминалистик тавсифи структурасига киритилиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, албатта, муаллифнинг ёндашуви оригинал бўлиб, унга кўра солиқ тўлашдан бўйин товлаш субъекти тўғрисидаги маълумотлар у томонидан учта мустақил блокга бўлинади: тажовуз субъекти; тажовуз субъектининг рухий фаолияти; тажовуз субъектининг жисмоний фаолияти²⁸. Кўриниб турибдики, тажовуз субъектининг рухий фаолияти унинг ҳиссий ва иродавий соҳасини, ички мотивлари ва эҳтиёжларини акс эттиради ва тажовуз субъектининг жисмоний фаолияти бу фаолиятнинг ташқи намоён

²⁷ Бебия З.Р. Роль криминалистической характеристики преступления в методике расследования уклонений от уплаты налогов с организаций. дис. ... канд. юрид. наук. СПб., 2004. - С. 40.

²⁸ Douarin, E., & Mickiewicz, T. (2017). Public Finance. In E. Douarin & T. Mickiewicz (Eds.), Economics of Institutional Change-Central and Eastern Europe Revisited. Palgrave Macmillan, Chap. 10.

бўлишини ифодалайди. Бироқ, ушбу блокларни криминалистик тавсифнинг ягона элементи – типик жиноятчининг шахси хусусиятлари (унинг психологик ва криминалистик портрети) доирасида кўриб чиқиш кераклигига қарамай, ишончимиз комилки. Биринчидан, бу учта блокнинг барчаси нафақат ўзаро боғлиқ, балки амалга ошириш бирлигига ҳам эга. Инсон фаолиятининг ҳар қандай акти, ҳуқуққа хилоф бўлиши шартмас, дастлаб инсоннинг ички дунёсидан келиб чиқади, унинг ҳиссий-иродавий соҳаси орқали ўтади, психиканинг интеллектуал соҳаси томонидан, шу жумладан маълум бир муҳитда жиноий қасдни амалга ошириш эҳтимоллиги даражаси нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Шундан кейингина қарор қабул қилиш ва ташқи муҳитда тегишли ҳаракатнинг намоён бўлиши босқичига ўтилади. Бундан ташқари, солиқ жиноятларига, зўрлик жиноятларидан фарқли ўлароқ, қоида тариқасида, улар содир этилишининг импульсив ва тўсатданлик хусусияти хос эмас. Қоидага кўра, солиқ жиноятларини содир этишдан олдин, айниқса солиқ тўловчи ташкилотларга нисбатан, тегишли ташкилотнинг молиявий, иқтисодий ва бошқа фаолиятини акс эттирувчи бирламчи ва бошқа ҳужжатлар мазмунини бузиш бўйича етарлича пухта тайёргарлик кўрилади. Шунинг учун биз З.Р. Бебия кўрсатган элементлар моҳиятан солиқ тўлашдан бўйин товлаш криминалистик тавсифининг мустақил элементлари эмас, балки ушбу жиноят субъектининг шахси хусусиятларини жамлайдиган ягона элементнинг таркибий қисмлари сифатида намоён бўлади, деб ҳисоблаймиз. Ушбу жиноятларни содир этиш усули кўрсатилган муаллиф томонидан таркибий элемент сифатида ажратилмасада, ҳақиқатда айбдорнинг жисмоний фаолиятини тавсифлашда унга маълум бир эътибор қаратилади. Бироқ,

фикримизча, бу ёндашув жиноят усули аксарият кўпчилик жиноятлар криминалистик тавсифининг асосий, марказий элементи эканлигига зиддир ва бу илмий криминалистик адабиёт нуқтаи назаридан аксиоматик ҳисобланади²⁹. Шундай қилиб, Р. С. Белкин жиноят усули ҳақидаги билим иш бўйича ҳақиқатни билиш йўлини белгилаб беради, дея жуда тўғри таъкидлайди³⁰.

Мустақил элементлар сифатида жиноятлар содир этилган жой ва вақтнинг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиққан ҳолда (бу, умуман олганда, криминалистик адабиётида учрайди ва бундай нуқтаи назар мавжуд бўлишликка ҳақлидир) З. Р. Бебия, шу билан бирга, жиноят содир этиш шароити каби элементни таҳлил қилишни зарур деб ҳисобламайди.

И.В. Александров, аксинча, солиқ солиш соҳасида жиноятлар содир этиш шароитини улар криминалистик тавсифининг энг муҳим элементларидан бири, дея жуда тўғри ҳисоблайди³¹. Ушбу фикрни ривожлантирган ҳолда, ёзадики, жиноят содир этилган шароит “асосий каркас” сифатида намоён бўлади ва жиноий қилмиш механизмининг барча элементларини ва моддий ва ижтимоий муҳитдаги тегишли ўзгаришларни жиноят субъекти ва жиноий суд иш юритуви соҳасига тушиб қолган бошқа шахсларнинг ҳуқуққа хилоф фаолиятининг акси сифатида ягона тизимга бирлаштиради.

²⁹ Зуйков Г.Г. Криминалистическое учение о способе совершения преступления: дис. ... докт. юрид. наук. М., 1970.

³⁰ Белкин Р.С. Курс советской криминалистики. Т. 3. М., 1979.

³¹ Александров И.В. Теоретические и практические проблемы расследования налоговых преступлений. Автореферат дис. ...докт. юрид. наук. Екатеринбург, 2003. - с. 19.

И.В.Александров фикрича, солиқ жиноятлари криминалистик тасифининг асосий элементлари қуйидагилардир: жиноий тажовуз предмети, вақти, жойи ва шароити, солиқ жиноятларини содир этишнинг типик усуллари ва уларни амалга оширувчи шахслар, изларнинг шаклланиши механизми ва локализацияси тўғрисидаги умумлаштирилган маълумотлар.

Ушбу структурани умуман олганда мақбул дея тан олган ҳолда, шунинг таъкидлаймизки, юқорида айтиб ўтганимиздек, фикримизча, жиноят шароити тушунчасининг мазмуни, жиноят содир этишга кўмаклашувчи турли шароитлар билан бир қаторда, биринчи навбатда, жиноят содир этилган жой ва вақтнинг ўзига хос хусусиятларини ўз ичига олади, яъни, ҳисоблаймизки, «жиноят содир этиш шароити» сўзи билан макон ва вақт билан боғлиқ шартлар қамраб олинади. Шунингдек, изларни шакллантириш механизмининг хусусиятлари (ёки жиноятнинг типик оқибатлари) каби элемент ўз-ўзидан тегишли тоифадаги жиноятларнинг типик излари локализацияси тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади³².

Шундай қилиб, биз, солиқ ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик тавсифига қуйидаги таркибий элементлар киради, деб ҳисоблаймиз:

- солиқ ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ жиноятларни содир этиш усули;
- солиқ ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ жиноятларни содир этишнинг типик оқибатлари;

³² Wahl, I., Kastlunger, B., & Kirchler, E. (2010). Trust in Authorities and Power to Enforce Tax Compliance: An Empirical Analysis of the "Slippery Slope Framework". Law & Policy, 32(4), 383-406.

- жиноятларни содир этишнинг типик шароити ҳақидаги маълумотлар;
- айбдор шахсининг криминалистик жиҳатдан аҳамиятли хусусиятлари;
- жиноий тажовуз предметининг хусусиятлари.